ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

НУРАЛИЕВ ФАРХОД АБДУҒАНИЕВИЧ

СОБОЛЕВ ФАЗОСИДА ЭРМИТ ТИПИДАГИ ОПТИМАЛ ПАНЖАРАЛИ КУБАТУР ВА ИНТЕРПОЛЯЦИОН ФОРМУЛАЛАР

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 519.652, 519.644

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

НУРАЛИЕВ ФАРХОД АБДУҒАНИЕВИЧ

СОБОЛЕВ ФАЗОСИДА ЭРМИТ ТИПИДАГИ ОПТИМАЛ ПАНЖАРАЛИ КУБАТУР ВА ИНТЕРПОЛЯЦИОН ФОРМУЛАЛАР

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/FM87 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Шадиметов Холматвай Махкамбаевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Алоев Рахматилло Джураевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Бакоев Матёкуб Тешаевич физика-математика фанлари доктори, профессор
	Аллаков Исмоил физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Қарақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_________ 2020 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (87 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «____» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил 3 ноябрдаги 20 рақамли реестр баённомаси).

А.Р. Марахимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Р.Д.Алоев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида оптимал квадратур, кубатур ва интерполяцион формулаларга бағишланган изланишлар долзарб ва муҳим бўлиб, илм-фаннинг кўплаб соҳаларида кенг татбиққа эгадир. Интегралларни тақрибий ҳисоблаш ва функционалларни яқинлаштириш методлари интеграл ва дифференциал тенгламаларни сонли ечиш алгоритмларининг асосини ташкил қилади. Ҳисоблаш математикасининг асосий мақсади бу математик масалаларни ечишнинг энг яхши, тез ва арзон усулларини яратиш ҳамда ҳисоблаш алгоритмларини оптималлаштиришдир. Бу жараён турли фазоларда квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар мисолида яхши намоён бўлади. Шунинг учун оптимал квадратур, кубатур ва интерполяцион формулаларни қуриш ҳисоблаш математикасининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Соболев фазоларида интегралларни тақрибий ҳисоблаш ва функцияларни яқинлаштириш учун оптимал кубатур, интерполяцион формулалар ва сплайнлар қуриш муҳим аҳамият касб этади. Олинган формулалар табиий жараёнлар учун катта аниқликдаги математик моделлар сифатида қаралади. Шунинг учун қуйидаги йўналишлар бўйича мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш бош масалалардан бири ҳисобланади: асимптотик оптимал ва тартиб бўйича оптимал кубатур формулалар қуриш; эҳтимоллар назарияси усулларига асосланган кубатур формулалар ишлаб чиқиш; оптимал кубатур, интерполяцион формулалар қуриш ва уларнинг хатоликларини баҳолаш; турли гильберт ва банах фазоларида натурал сплайнларни қуриш. Бу соҳаларда олиб борилаётган илмий изланишлар диссертация тадқиқотининг муҳимлигини изоҳлайди.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган квадратур ва интерполяцион формулаларни ўрганишни кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда, хусусан, Эрмит типидаги янги оптимал квадратур формулалар ва интерполяцион сплайнлар қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада ҳисоблаш математикаси йўналишида олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам дифференциал тенгламалар назарияси, математик ва функционал анализ, алгебра, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика ҳамда математик моделлаштиришдек устувор йўналишлар бўйича ҳалкаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш ЎзР ФА Математика институти фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади[1]. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Эрмит типидаги квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар куриш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги №292 «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682 «Иннавацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 9 июлдаги №ПҚ-4387 “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив –ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Кубатур ва интерполяцион формулалар ва уларнинг хатоликларини баҳолаш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, жумладан, Россия фанлар акдемияси Сибирь бўлими С.Л. Соболев номидаги Математика институти (Россия), Россия фанлар акдемияси Сибирь бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти (Россия), Россия фанлар Академиясининг Н.В. Келдыш номидаги Амалий математика институти (Россия), Россия фанлар акдемияси В.Л.Стеклов номидаги Математика институти (Россия), Россия фанлар акдемияси Г.И.Марчук номидаги Ҳисоблаш математикаси институти (Россия), Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск давлат университетлари ва Сибирь федерал университети (Россия), Уфа илмий марказининг ҳисоблаш марказли Математика институти (Россия), Babeş-Bolyai University (Руминия), Mathematical institute of Serbian Academy of Sciences and Arts (Сербия), Katholieke Universiteit (Бельгия), Korean Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), University of Meryland, Kettering University, Columbia University, Harvard University, Purdue University, Venderbild University (АҚШ), University of Oslo (Норвегия), Universidad de Zaragoza, Universidad Pública de Navarra, University of Satiago de Compostela (Испания), Technische Universität Braunschweig (Германия), Universita degli Studi di Roma La Sapienza, Universita della Basilicata (Италия), Universite de Toulouse, Université Joseph Fourier (Франция) да олиб борилмоқда.

Дунё миқёсида квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар бўйича илмий изланишлар доирасида қуйидаги муҳим натижалар олинди: биринчи тартибли ҳосиласи квадрати билан интегралланувчи функциялар фазосида (АҚШ) ва иккинчи тартибли ҳосиласи квадрати билан интегралланувчи функциялар фазосида (Руминия) бир-биридан тенг масофада жойлашган тугун нуқтали оптимал квадратур формулалар қурилган; иккинчи тартибли ҳосиласи квадрати билан йиғилувчи функциялар фазосида Эрмит типидаги оптимал квадратур формулалар қурилган (Руминия); Соболевнинг вазнли фазоларида Квази Монте-Карло ва Монте-Карло методлари асосида қурилган оптимал кубатур формуланинг хатолиги баҳолари олинган (Institute of mathematics of Jena University (Германия), Columbia University (АҚШ)); φ - функциялар ва сплайн функциялар методлари асосида турли гильберт фазоларида Сард маъносида оптимал квадратур формулалар қурилган (Columbia University, University of Maryland, University of Wisconsin-Madison (АҚШ)), Technische Universität Braunschweig (Германия), Babeş-Bolyai University (Руминия), Universita degli Studi di Roma La Sapienza (Италия)); функционал анализ методларини қўллаб турли гильберт фазоларида D^m - сплайнлар, L - сплайнлар ва абстракт сплайнларнинг мавжудлик ва ягоналиги исботланган ва уларни қуриш назарияси ишлаб чиқилган (University of Wisconsin-Madison, Harvard University, Purdue University, Vanderbilt University (АҚШ), University of Oslo (Норвегия), Université Joseph Fourier (Франция), Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти (Россия)); регуляр ва кучли тебранувчи интеграллар учун Гаусс типидаги квадратур формулалар қурилган (Mathematical institute of the Serbian Academy of Sciences and Arts); $L_2^{(m)}(\mathbb{R}^n)$ фазосида панжарали оптимал кубатур формуланинг коэффициентлари учун Винер-Хопф типидаги система олинган ва бу система ечими мавжудлиги ва ягоналиги исботланган (Россия фанлар Акдемияси Сибирь бўлими С.Л.Соболев номидаги Математика институти, Новосибирск давлат университети (Россия), ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти.

Бугунги кунда ҳисоблаш математикасининг қуйидаги устувор йўналишларида илмий изланишлар олиб борилмоқда: квадратур, кубатур формулалар ва интерполяцион сплайнлар қуриш; қурилган формулаларнинг хатоликларини баҳолаш ва уларни турли муҳим амалий масалаларга қўллаш, аниқ гильберт фазоларида Эрмит типидаги оптимал квадратур, кубатур формулалар ва интерполяцион сплайнларнинг экстремал функцияларини топиш; топилган экстремал фунциялар ёрдамида мос формулалар ва сплайнларнинг хатолик функционаллари нормаларини ҳисоблаш; Эрмит типидаги оптимал квадратур, кубатур формулалар ва интерполяцион сплайнларнинг мавжудлиги ва ягоналигини ўрганиш; чизиқли дифференциал операторнинг дискрет аналогидан фойдаланиб Эйлер-Маклорен типидаги оптимал кубатур формулалар ва интерполяцион сплайнлар қуришнинг янги алгоритмларини ишлаб чиқиш, шунингдек оптимал коэффициентларнинг аналитик кўринишларини топиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Функционал анализ методлари асосида турли типдаги квадратур формулаларни қуриш ва уларнинг яқинлашишларини ўрганиш бўйича оптималлаштириш масалалари дастлаб А. Сард ва С.М. Никольскийларнинг илмий изланишларида келтирилган. Кубатур формулалар учун шунга ўхшаш оптималлаштириш масалаларини ўрганиш С.Л. Соболев томонидан бошланган. Кейинчалик энг яхши квадратур формулаларни қуриш ва уларнинг хатоликларини баҳолаш бўйича С.М. Никольский, Н.П. Корнейчук, Т.Н. Бусарова, Б. Боянов, Т.А.Гранкина, А.А. Женсыкбаев, Н.Е. Лушпай, А.А. Лигун, В.П. Моторний, К.И.Оскольков ва М.А.Чахкиев каби муаллифлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Асимптотик оптимал, тартиб бўйича оптимал ва инвариант кубатур формулалар қуриш С.Л.Соболев, О.В.Бесов, Н.И.Блинов, В.Л.Васкевич, М.И.Исраилов, Г.П.Исматуллаев, С.И.Коняев, Н.М.Коробов, В.И.Лебедев, И.П.Мысовских, М.В.Носков, В.И.Половинкин, М.Д.Рамазанов, Г.Н.Салихов, Т.И.Хаитов, М.Ш.Шабозов, Э.Шамсиев, Т.Х.Шарипов, И.Ф.Шарыгин, Ц.Б.Шойнжуров, Б.Эшдавлатов, З.Эшкуватов, R.Cools, P.J.Davis, P.Rabinovitz, Y.G.Shi, S.B.Stoyanova, A.H.Stroud, A.Babos, A.M.Acu ларнинг илмий ишларида ўрганилган. Квази Монте-Карло ва Монте-Карло методлари асосида интегралларни тақрибий ҳисоблаш формулаларини қуриш Н.С.Бахвалов, С.М.Ермаков, И.М.Соболь, Н.Н.Ченцов, Г.А.Михайлов, А.С.Расулов, М.Т.Бакоев, Г.Раимова, E.Novak ва H.Wozniakovski ларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Оптимал квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар қуришда сплайн метод, φ - функциялар методи ва Соболев методи қўлланилади. Бунда тугун нуқталар фиксирланган ҳолда хатолик функционалининг нормасини минималлаштириш ҳисобига оптимал формулалар олинади. Соболевнинг фактор фазоларида турли хил оптимал квадратур фомулалар A.Sard, L.F.Meyers, G.Coman, I.J.Schoenberg, S.D.Silliman, P.Kohler ларинг ишларида сплайн методаларига асосланиб, A.Ghizzetti и A.Ossicini, F.Lanzara, T.Catinaş ва G.Coman ларнинг ишларида эса φ - функциялар методига асосланиб қурилган. Соболев методи асосида оптимал кубатур формулаларни қуришда С.Л.Соболевнинг оптимал квадратур формулаларнинг коэффициентларини топиш бўйича натижалари сплайн методи асосида олинган юқорида эслатилган натижаларни умумлаштирди. С.Л.Соболев томонидан таклиф қилинган методнинг турли гильберт фазоларидаги ривожи З.Ж.Жамалов, Ф.Я.Загирова, Х.М.Шадиметов, А.Р.Хаётов, Н.Х.Маматова, Д.М.Ахмедов, С.С.Азамов, Н.Д.Болтаев ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Вариацион методларга асосланган сплайнлар назарияси Д.Ж. Алберг, Э. Нильсон ва Дж. Уолш, П.Ж.Лоран, I.Schoenberg, C. de Boor, J.Duchon R.Arcangeli, M.C.Lopez de Silanes, J.J.Torres, В.А. Василенко, M.Attea, A.Barlinet, C.Tomas-Agnan, L.L.Schumaker, T.Lyche, B.Bojanov, С.Б.Стечкин, Ю.Н.Субботин, Ю.С.Завьялов, Б.И.Квасов, В.Л.Мирошниченко, М.И.Игнатев, А.Б.Певный, G.Nurnberger, А.Ю.Бежаев, G.V.Milovanovic, Х.М.Шадиметов, А.Р.Ҳаётов ва С.С.Бабаев ларнинг илмий ишларида ўрганилган ва ривожлантирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Метематика институтининг Ф4-ФА-Ф013 “Ноассоциатив ва операторлар алгебралари, динамик системалар, ҳамда уларнинг статистик физика ва популяцион биологияга тадбиқлари” (2012-2016), ЁФ4-ОТ-010509-ЁФ4-5 “$W_2^{P_m}(0,1)$ гильберт фазосида Сард маъносида оптимал квадратур формулалар қуриш” (2014-2015), Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтининг ОТ-Ф4-86 “Гильберт фазоларида дифференциал ва интеграл тенгламаларни тақрибий ечишнинг оптимал методларини ишлаб чиқиш” (2017-2020) мавзулардаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Соболев фазоларида Эрмит ва Эйлер-Маклорен типидаги оптимал панжарали квадратур, кубатур ва интерполяцион формулаларни қуриш ва уларнинг оптимал хатолик функционаллари нормаларини ҳисоблашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Соболевнинг $L_2^{(m)}$ фактор фазосида:

Эрмит типидаги квадратур формула экстремал функциясини қўллаб шу квадратур формула хатолик функционали нормаси ифодасини ҳосил қилиш;

Кўп ўзгарувчили функциянинг шартли экстремумларини топиш усули ёрдамида Эрмит типидаги оптимал квадратур формуланинг коэффициентлари учун чизиқли алгебраик тенгламалар системасини олиш ва унинг ечими учун мавжудлик ва ягоналик шартларини топиш;

Эйлер-Маклорен типидаги оптимал квадратур формулалар коэффициентлари учун аналитик ифодаларни топиш ва мос оптимал хатолик функционали нормасини ҳисоблаш;

Ҳосилали оптимал интерполяцион формула коэффициентлари учун Винер-Хопф типидаги чизиқли тенгламалар системасини олиш;

$2m$ - тартибли дифференциал оператор дискрет аналогидан фойдаланиб ҳосилали оптимал интерполяцион формула коэффициентларини ошкор кўринишини ҳосил қилиш;

Соболевнинг икки ўзгарувчили даврий функциялар фазосида Эрмит типидаги оптимал панжарали кубатур формулаларни қуриш ва уларнинг яқинлашиш тартибини топиш.

Тадқиқотнинг объекти Соболевнинг даврий ва даврий бўлмаган функциялар фазоларида квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар.

Тадқиқотнинг предмети панжарали квадратур, кубатур ва интерполяцион формулаларнинг оптимал коэффициентлари учун системалар, оптимал формулаларнинг хатолик функционали нормаси, Соболевнинг даврий ва даврий бўлмаган функциялар фазоларида Эрмит типидаги оптимал панжарали квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқот ишида ҳисоблаш математикаси, математик анализ, функционал анализ ва дискрет аргументли функциялар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

$L_2^{(m)}(0,1)$ Соболев фазосида Эрмит типидаги оптимал квадратур формуланинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

Соболев фазосида Эрмит типидаги квадратур формулаларнинг экстремал функцияси ноллари ҳақидаги И. Бабушка теоремасининг аналоги исботланган;

$L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида биринчи тартибли ҳосилали оптимал квадратур формулалар қурилган ҳамда исталган $m \geq 2$ учун ушбу оптимал квадратур формулалар коэффициентларининг аналитик ифодалари олинган;

$L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида исталган $m \geq 2$ учун биринчи тартибли ҳосилали оптимал квадратур формулаларнинг учун хатолик функционали нормаси ҳисобланган;

$L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида Эйлер-Маклорен типидаги оптимал квадратур формулалар ва Эрмит типидаги оптимал интерполяцион формулаларнинг коэффициентлари учун чизиқли алгебраик тенгламалар системалари олинган;

$L_2^{(m)}(0,1)$ Соболев фазосида $[\frac{m}{2}] \geq s \geq 1$ шартни қаноатлантирувчи ихтиёрий m натурал сон учун Эйлер-Маклорен типидаги оптимал квадратур формулалар қурилган, ундан ташқари шу квадратур формулаларнинг коэффициентлари учун ошкор формулалар ва уларнинг хатолик функционали нормаси ҳисобланган.

$L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида $m = 2,3,4$ бўлганда Эрмит типидаги оптимал интерполяцион формулалар қурилган;

Икки ўзгарувчили даврий функциялар $\widetilde{L_2^{(m)}}(H)$ фазосида Эрмит типидаги оптимал кубатур формулаларнинг коэффициентлари учун ошкор ифодалар олинган ва уларнинг хатолик функционали нормаси ҳисобланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси аниқ интегралларни юқори аниқликда тақрибий ҳисоблашга имкон берадиган Эрмит типидаги оптимал панжарали квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар қуришдан иборатдир. Бундан ташқари, улар интеграл ва дифференциал тенгламаларни тақрибий ечишда қўлланилиши мумкин. Қурилган оптимал формулаларнинг коэффициентлари учун олинган аналитик ифодалар муайян амалий масалаларни ечишда ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳисоблаш математикаси, математик анализ, функционал анализ ва дискрет аргументли функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти Соболев фазоларида Эрмит типидаги оптимал панжарали квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар қуриш алгоритми ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда қурилган оптимал панжарали квадратур, кубатур ва интерполяцион формулаларнинг амалий фанлар масалаларини ечиш учун кенг кўламли қўлланилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эрмит типидаги оптимал панжарали квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар қуриш ва уларнинг хатоликларини бахолаш бўйича олинган натижалар асосида: Соболев фазосида қурилган ҳосилали оптимал интерполяцион формулалар №АААА-А20-120021190003-1, №АААА-А20-120021190004-8 рақамли грант лойиҳасида каср тартибли оддий дифференциал тенгламаларни ечиш учун ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Витус Беринг номидаги Камчатка давлат университетининг (Россия) 2020 йил 11 сентябрдаги 433-01-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши каср тартибли осцилляторлар учун нолокал ошкор чекли-айирмали схемаларнинг турғунлик ва яқинлашувчанлик теоремаларини исботлашга имкон берган;

Соболев фазосидаги Эрмит типидаги оптимал панжарали кубатур ва интерполяцион формулалар Ф2-ФА-0-83921/Ф2-ФА-Ф0383 рақамли “Ўтказгичлар ва магнит материалларида кучли ўзаро боғлиқлик ва уларнинг критик параметрларини ҳисоблаш” грант лойиҳасида кубик ва ромбоэдрик кучсиз ферромагнитларда мавжуд фазавий ўтиш назарияси бўйича олинган тажриба натижаларини интерпритация қилишда ва кучсиз ферромагнитларда спонтан магнит моментининг температуравий боғланишини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3182-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши поляризатор-намуна-анализатор системадан ўтган ёруғлик интенсивлигининг кучсиз ферромагнитларда енгил магнитланиш текисликдаги магнит майдони ориентациясига боғлиқлигини оптимал яқинлаштириш имконини берган.

Ҳосилали оптимал квадратур формулалар қуриш ва уларнинг Соболев фазосида хатоликларини баҳолаш усулларидан хорижий илмий журналларда турли Гильберт фазоларида Сард ва Никольский маъноларида оптимал квадратур формулаларни қуришда ва уларнинг аниқлигини баҳолашда фойдаланилган (Applied Mathematics and Information Sciences, Volume 9, no 3, Pages 1231-1238, 2015; Applied Mathematics and Computation, Volume 276, 5 March 2016, Pages 340-355; Journal of Siberian Federal University- Mathematics and Physics, Volume 11 (6), Pages 764–775, 2018; Filomat, Volume 33, Issue 17, Pages 5661-5675, 2019). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Соболев фазосида Эйлер-Маклорен типидаги оптимал квадратур формулалар ва Эрмит типидаги оптимал интерполяцион формулаларни қуриш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 8 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шуладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, шу жумладан, 5 таси хорижий ва 16 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«$L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида Эрмит типидаги оптимал квадратур формулалар»** деб номланувчи биринчи боби умумий кўринишдаги Эрмит типидаги оптимал квадратур формулаларни ўрганишга бағишланган. Бу ерда $L_2^{(m)}(0,1)-[0,1]$ кесмада $m-$тартибли умумлашган ҳосиласи квадрати билан интегралланувчи функциялар фазоси. Соболевнинг $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида Эрмит типидаги оптимал квадратур формулаларнинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган; Эрмит типидаги квадратур формулалар экстремал функциясининг ноллари ҳақидаги И.Бабушка теоремасининг анологи олинган; биринчи тартибли ҳосилали оптимал квадратур формулалар қурилган ҳамда ушбу оптимал квадратур формулаларнинг коэффициенлари учун аналитик ифодалар олинган ва исталган $m\geq 2$ учун биринчи тартибли ҳосилали оптимал квадратур формулалар хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган.

Энди биз биринчи боб натижалари ҳақида батафсил маълумот берамиз.

Биз бирор B банах фазосида Эрмит типидаги қуйидаги умумий квадратур формулани қараймиз

$$\int_0^1 p(x)\varphi(x)dx \cong \sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\upsilon=0}^{t} C_\beta^{(\upsilon)}\varphi^{(\upsilon)}(x_\beta)\,(1)$$

унинг хатолик функционали қуйидагича

$$\ell_N^t(x) = \varepsilon_{[0,1]}(x)p(x) - \sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\upsilon=0}^{t}(-1)^\upsilon C_\beta^{(\upsilon)}\delta^{(\upsilon)}(x-x_\beta). \qquad (2)$$

Бу ерда $C_\beta^{(\upsilon)}$ – квадратур формуланинг коэффициентлари ва x_β - квадратур формуланинг тугун нуқталари, N – натурал сон, $p(x)$ – вазн функцияси бўлиб у учун $\int_0^1 p(x)dx < \infty$ шарт ўринли, $\varepsilon_{[0,1]}(x) - [0,1]$ кесманинг характеристик функцияси, $\delta(x)$ – Диракнинг дельта-функцияси, φ – B банах фазосининг элементи, $\beta = 0,1,...,N,\ \upsilon = 0,1,...,t,\ 0 \le t \le m-1.$

Ушбу

$$\left(\ell_N^t,\varphi\right) = \int_0^1 p(x)\varphi(x)dx - \sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\upsilon=0}^{t} C_\beta^{(\upsilon)}\varphi^{(\upsilon)}(x_\beta) = \int_R \ell_N^t(x)\varphi(x)dx, \qquad (3)$$

айирмага (1) квадратур формуланинг хатолиги дейилади.

Коши-Шварцнинг

$$|(\ell_N^t,\varphi)| \le \|\varphi\,|\,B\| \cdot \|\ell_N^t\,|\,B^*\|$$

тенгсизлигига асосан (3) айирманинг абсолют қийматини қўшма банах фазоси B^* да (2) хатолик функционалининг нормаси

$$\left\|\ell_N^t\,|\,B^*\right\| = \sup_{\|\varphi|B\|=1} |(\ell_N^t,\varphi)|$$

ёрдамида баҳолаймиз.

Шундай қилиб, функцияларнинг B банах фазосида (1) квадратур формуланинг (3) хатолигининг юқоридан баҳоси B^* қўшма фазода ℓ_N^t хатолик функционалининг нормасини топишга олиб келинади.

(2) дан кўринадики, (1) квадратур формуланинг ℓ_N^t хатолик функционалининг нормаси тугун нуқталар ва коэффициентлар билан ифодаланган. ℓ_N^t хатолик функционалининг нормасини тугун нуқталар ва коэффициентлар буйича минимумини топиш масаласи *С.М.Никольский масаласи дейилади* ва олинган квадратур формулага *Никольский маъносидаги оптимал квадратур формула дейилади*. Бу масала дастлаб С.М.Никольский томонидан қаралган ва кўп олимлар бу масалани давом эттириб изланишлар олиб боришган, масалан, Н.П.Корнейчук, Т.Н.Бусарова, Б.Боянов, Т.А.Гранкина, А.А.Женсыкбаев, Н.Е.Лушпай, А.А.Лигун, В.П.Моторный, К.И.Оскольков, Alina Babos, Ana Maria Acu, P.Blaga, B.Bojanov, T.Catinas, Gh.Coman. ℓ_N^t хатолик функционалининг нормасини тугун нуқталарни фиксирлаб коэффициентлар бўйича минималлаштириш масаласи *Сард*

масаласи дейилади. Олинган формулага *Сард маъносидаги оптимал квадратур формула* дейилади. Бу массалани биринчи бўлиб Сард ўрганган.

Бу бобдаги натижалар ҳам Сард масаласи билан боғлиқ. Шунинг учун бу ерда биз, бизнинг ишимиз билан узвий боғлиқ бўлган бир нечта олдинги Сард маъносидаги оптимал квадратур формулалар натижаларини мухокама қиламиз.

$W_{L_p}^m$ фазо $[0,1]$ кесмада $(m-1)$- тартибли ҳосиласи абсолют узлуксиз ва $\| f^{(m)} \|_p \leq 1$ шартни бажарувчи f функциялар синфи, бу ерда $\|\cdot\|_p = \|\cdot\|_{L_p(0,1)}$. А.А.Женсыкбаевнинг ишида $p(x)=1$ бўлганда (1) кўринишдаги оптимал квадратур формулалар орасида $W_{L_p}^m$ фазосида Эйлер-Маклорен квадратур формуласи оптимал эканлигини исботлаган. Х.М.Шадиметов эса $L_2^{(m)}$ фазосида Эйлер-Маклорен типидаги панжарали кубатур формула оптимал эканлигини исботлаган.

T. Catinas ва Gh. Coman ларнинг ишида $\varphi-$ функциялар усулидан фойдаланиб $L_2^{(2)}(0,1)$ фазосида Эйлер-Маклорен формуласининг оптималлиги исботланган ва ушбу формуланинг хатолиги ҳисобланган. Худди шундай ушбу методни қўллаб F. Lanzara нинг ишида чизикли дифференциал операторларнинг ечимига аниқ бўладиган ва Сард маъносида оптимал бўлган (1) кўринишдаги оптимал квадратур формулалар қуришнинг процедураси муҳокама қилинган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, амалиётда (1) формула t параметрнинг кичик қийматлари учун қизиқиш уйғотади. $t=0$ ҳол учун Сард маъносидаги оптимал формулалар аллақачон кўплаб муаллифлар томонидан, асосан $L_2^{(m)}$ фазосида муҳокама қилинган.

Эрмит типида (1) кўринишдаги квадратур формулаларнинг қуришнинг асосий муаммоларидан бири бу $1 \leq t \leq m-2$ ҳоллар учун оптимал квадратур формула қуришдан иборатдир.

Диссертацияда параграф 1.2 ёрдамчи бўлиб унда таърифлар, ушбу ишнинг асосий натижаларини исботлашда ишлатиладиган баъзи маълум формулалар ва натижалар келтирилган.

Параграф 1.3 да $L_2^{(m)}(0,1)$ фазода Эрмит типидаги (1) оптимал квадратур формулаларнинг мавжудлиги ва ягоналиги масаласи ўрганилган. $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (2) кўринишдаги ℓ_N^t хатолик функционали аниқланган, ва унга

$$\left(\ell_N^t, x^\alpha\right) = 0, \qquad \alpha = 0,1,...,m-1 \tag{4}$$

шартлар қўйилган.

$L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (2) хатолик функционалли (1) кўринишдаги оптимал квадратур формулани қуриш масаласи бу

$$\left\| \mathring{\ell}_N^t \middle| L_2^{(m)*}(0,1) \right\|^2 = \inf_{C_\beta^{(\upsilon)}} \left| \left(\ell_N^t, \psi_{\ell_N^t} \right) \right| \tag{5}$$

катталикни x_β тугун нуқталар фиксирланаган ҳолда топишдан иборат. (5) формулада $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (1) квадратур формуланинг $\psi_\ell(x)-$экстремал функциясидир.

Бу функция учун Соболевнинг қуйидаги теоремаси ўринли.

Теорема 1. $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида ℓ_N^t хатолик функционалининг экстремал функцияси қуйидаги кўринишга эга

$$\psi_{\ell_N^t}(x) = (-1)^m \ell_N^t(x) * G_m(x) + P_{m-1}(x), \tag{6}$$

бу ерда $G_m(x)$ бу d^{2m}/dx^{2m} операторнинг Грин функцияси ва

$$G_m(x) = \frac{x^{2m-1} signx}{2(2m-1)!}, \tag{7}$$

$P_{m-1}(x)$ бирор $(m-1)$ даражали кўпҳад.

ℓ_N^t хатолик функционали нормасининг квадрати (6) экстремаль функциядан фойдаланиб ҳисобланади. Кейин, ℓ_N^t хатолик функционали нормасининг квадратига (4)- шартларда экстремум берадиган $C_\beta^{(\upsilon)}$ коэффициентлар учун қуйидаги система олинган

$$\sum_{\beta'=0}^{N}\sum_{\upsilon=0}^{t} C_\beta^{(\upsilon)} G_m^{(\upsilon+\upsilon')}(x_{\beta'} - x_\beta) + \sum_{k=0}^{m-1} \lambda_k x_\beta^{k-\upsilon'} = f_\beta^{(\upsilon')},\ \upsilon' = \overline{0,t},\ \beta = \overline{0,N} \tag{8}$$

$$\sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\upsilon=0}^{t} \frac{k!}{(k-\upsilon)!} C_\beta^{(\upsilon)} \theta(k-\upsilon) x_\beta^{k-\upsilon} = g_k,\ \ k = 0,1,\ldots,m-1, \tag{9}$$

бу ерда

$$f_\beta^{(\upsilon')} = \int_0^1 p(x) G_m^{(\upsilon')}(x - x_\beta)dx,\ \ g_k = \int_0^1 p(x)x^k dx,\ \ \theta(k-\upsilon) = \begin{cases} 1, \text{ если } & k-\upsilon \ge 0, \\ 0, \text{ если } & k-\upsilon < 0. \end{cases}$$

(8), (9) система ечимининг ягоналиги ўрганилган. Бунда ушбу системанинг ечими (4)- системанинг ечимлар тўпламида $\left\|\ell_N^t\right\|^2$ га локал минимум бериши исботланган.

Натижада қуйидаги теорема тўғридан тўғри келиб чиқади.

Теорема 2. Фараз қилайлик, (1) кўринишдаги квадратур формулаларнинг $\ell_N^t(x)$ хатолик функционали $L_2^{(m)}(0,1)$ фазода аниқланган бўлсин, яъни унинг барча $(m-1)$-даражали кўрҳадлардаги қийматлари нолга тенг бўлсин, ва фараз қилайлик бу функционал оптимал бўлсин, яъни бериган x_β тугун нуқтали (2)- кўринишдаги барча функционаллар орасида у $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида энг кичик нормага эга бўлсин.

У ҳолда

$$\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}\psi_{\ell_N^t}(x)=(-1)^m\ell_N^t(x)$$

тенгламанинг υ $\left(\upsilon=0,1,2,...,t;\ t=0,1,2,...,m-1\right)$тартибли ҳосиласи билан x_β тугун нуқталарда нолга айланадиган $\psi_{\ell_N^t}$ ечими мавжуд, яъни $\psi_{\ell_N^t}^{(\upsilon)}(x_\beta)=0$ ва у $L_2^{(m)}(0,1)$ фазога тегишли.

Теорема 2 И.Бабушканинг оптимал квадратур формуланинг экстремаль функциясининг ноллари ҳақидаги теоремасини умумлаштиради.

1.4-1.8 параграфларда $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида ихтиёрий $m\geq 2$ лар учун $t=1$, $p(x)=1$ бўлганда Сард маъносида (1) кўринишдаги оптимал квадратур формулалар қурилган ва уларнинг хатолиги ўрганилган. Соболевнинг $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида исталган $m\geq 2$ учун ушбу

$$\int_0^1\varphi(x)dx\cong\sum_{\beta=0}^{N}C_0[\beta]\varphi(h\beta)+\sum_{\beta=0}^{N}C_1[\beta]\varphi'(h\beta) \qquad (10)$$

квадратур формулани

$$\ell_N^1(x)=\varepsilon_{[0,1]}(x)-\sum_{\beta=0}^{N}C_0[\beta]\delta(x-h\beta)+\sum_{\beta=0}^{N}C_1[\beta]\delta'(x-h\beta) \qquad (11)$$

хатолик функционали билан бирга қараймиз. Бу ерда

$C_0[\beta]=\begin{cases}h/2, & \beta=0,N,\\ h, & \beta=\overline{1,N-1},\end{cases}$ - маълум коэффициентлар ва $C_1[\beta]$, $\beta=\overline{0,N}$ - номаълум коэффициентлар $h=1/N$, $N-$ натурал сон.

$L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида аниқланган (11) хатолик функционали учун

$$(\ell_N^1,x^\alpha)=0,\quad \alpha=0,1,2,...,m-1$$

шартлар қўйилади.

Бу ердан аёнки, (10) кўринишдаги квадратур формуланинг мавжуд бўлиши учун $N\geq m-1$ тенгсизлик бажарилиши шарт.

Масала 1. Ушбу

$$\left\|\overset{\circ}{\ell}{}_N^1\,|\,L_2^{(m)*}\right\|=\inf_{C_1[\beta]}\left\|\ell_N^1\,|\,L_2^{(m)*}\right\|$$

тенгликни қаноатлантирувчи $C_1[\beta]$ оптимал коэффициентларни топиш ва $\left\|\overset{\circ}{\ell}{}_N^1\right\|$ ни ҳисоблаш.

Бу ерда масала 1 тўла ечилган. Бунда (10) кўринишдаги опимал квадратур формулалар $C_1[\beta]$ коэффициентлари учун қуйидаги чизиқли алгебраик тенгламалар системаси олинаган

$$\sum_{\gamma=0}^{N}C_1[\gamma]G_m^{"}(h\beta-h\gamma)+P_{m-2}(h\beta)=f_{m,1}(h\beta),\beta=\overline{0,N}, \qquad (12)$$

$$\alpha\sum_{\beta=0}^{N}C_1[\beta](h\beta)^{\alpha-1}=\frac{1}{\alpha+1}-\sum_{\beta=0}^{N}C_0[\beta](h\beta)^{\alpha},\ \alpha=\overline{0,m-1}, \tag{13}$$

бунда $G_m(x)$ функция (7) формула билан аниқланган, $P_{m-2}(h\beta)$ бу $(m-2)$ даражали номаълум кўпҳад ва

$$f_{m,1}(h\beta)=\sum_{i=0}^{2m-3}\frac{(h\beta)^{2m-3-i}}{(2m-3-i)!\cdot i!}\left[\frac{(-1)^{2m-3-i}}{2(i+1)(i+2)}+\right.$$
$$\left.+\frac{h^{i+2}B_{i+2}}{(i+1)(i+2)}-\frac{1}{2(i+1)}\sum_{\gamma=0}^{N}C_0[\gamma](-h\gamma)^{i+1}\right],$$

B_{i+2} − Бернулли сони.

(12)-(13) системада $C_1[\beta]$, $\beta=\overline{0,N}$ коэффициентлар ва $(m-2)$− даражали $P_{m-2}(h\beta)$ кўпҳад номалумлардир. (15)-(16) система ягона ечимга эга ва бу ечим $\left\|\ell_N^1\middle|L_2^{(m)*}\right\|^2$ ифодага минимум беради. Бу система ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботи (8)-(9) система ечими мавжудлиги ва ягоналиги исботидан келиб чиқади. Бу бобнинг асосий натижалари $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (10)- кўринишдаги оптимал квадратур формулалар коэффициенлари ва бу оптимал квадратур формуларнинг хатолиги ҳақидаги теоремалардир.

Теорема 3. $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (11) хатолик функционалли (10) кўринишда квадратур формулалар орасида коэффициентлари қуйидаги формулалар билан аниқланадиган ягона оптимал квадратур формула мавжуд

$$\overset{\circ}{C}_0[0]=\overset{\circ}{C}_0[N]=h/2,$$
$$\overset{\circ}{C}_0[\beta]=h,\ \beta=\overline{1,N-1},$$
$$\overset{\circ}{C}_1[0]=h^2\left(\frac{1}{12}-\sum_{k=1}^{m-2}d_k\frac{q_k^N+q_k}{1-q_k}\right),$$
$$\overset{\circ}{C}_1[\beta]=h^2\sum_{k=1}^{m-2}d_k\left(q_k^{\beta}-q_k^{N-\beta}\right),\beta=\overline{1,N-1},$$
$$\overset{\circ}{C}_1[N]=-h^2\left(\frac{1}{12}-\sum_{k=1}^{m-2}d_k\frac{q_k^N+q_k}{1-q_k}\right),$$

бу ерда d_k қуйидаги чизиқли $(m-2)$ та тенгламалар системасини қаноатлантиради

$$\sum_{k=1}^{m-2}d_k\sum_{i=1}^{\alpha}\frac{q_k^{N+i}+(-1)^i q_k}{(1-q_k)^{i+1}}\Delta^i 0^{\alpha}=\frac{B_{\alpha+2}}{(\alpha+1)(\alpha+2)},\ \alpha=\overline{1,m-2},$$

$B_\alpha -$Бернулли сонлари, $\Delta^i \gamma^\alpha$ эса γ^jдан i тартибли чекли айирма, $\Delta^i 0^\alpha = \sum\limits_{l=1}^{i} (-1)^{i-l} C_i^l l^\alpha$, $q_k -$ $(2m-4)$ даражали Эйлер-Фробениус кўпҳаднинг илдизлари ва $|q_k|<1$.

Теорема 4. $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (10) кўринишдаги оптимал квадратур формуланинг (11) хатолик функционали нормасининг квадрати учун қуйидаги тенглик ўринли

$$\left\| \overset{\circ}{\ell}{}_N^1 \,|\, L_2^{(m)*}(0,1) \right\|^2 = (-1)^{m+1} \left[\frac{B_{2m} h^{2m}}{(2m)!} + h^{2m+1} \sum_{k=1}^{m-2} \sum_{i=0}^{2m-2} \sum_{\alpha=1}^{2m-3-i} \frac{B_{i+2} \theta_\alpha (q_k) \Delta^\alpha 0^{2m-3-i}}{(i+2)!(2m-3-i)!} \right],$$

бу ерда $\theta_\alpha (q_k) = \dfrac{2d_k (q_k^{N+\alpha} + (-1)^\alpha q_k)}{(1-q_k)^{\alpha+1}}$, d_k- теорема 3 да аниқланган, $B_\alpha -$Бернулли сонлари, $q_k -$ $(2m-4)$ даражали Эйлер-Фробениус кўпҳаднинг илдизи ва $|q_k|<1$.

Хусусий ҳолда, теорема 3 ва теорема 4 дан $m=2,3$ бўлганда классик Эйлер-Маклорен формуласининг оптималлигини тасдиқловчи натижаларни оламиз.

Кейин, параграф 1.9 да ушбу бобнинг назарий натижаларини тасдиқловчи сонли натижалар келтирилган.

Диссертациянинг **«Соболев фазосида Эйлер-Маклорен типидаги оптимал квадратур формулалар»** деб номланувчи иккинчи боби, $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида квадратур йиғиндиси интеграл остидаги функциянинг тугун нуқталардаги қийматлари ва ушбу функция ҳосилаларининг интеграллаш интервали охирларидаги қийматларидан иборат Сард маъносида оптимал квадратур формулалар қуришга бағишланган.

Бу бобда $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида қуйидаги

$$\int_0^1 \varphi(x)dx \cong \sum_{\beta=0}^{N} C[\beta]\varphi(h\beta) + \sum_{n=1}^{s} A_n (\varphi^{(2n-1)}(0) - \varphi^{(2n-1)}(1)) \qquad (14)$$

Эйлер-Маклорен типидаги квадратур формула

$$\ell_N^{2s-1}(x) = \varepsilon_{[0,1]}(x) - \sum_{\beta=0}^{N} C[\beta]\delta(x-h\beta) + \sum_{n=1}^{s} A_n (\delta^{(2n-1)}(x) - \delta^{(2n-1)}(x-1)) \qquad (15)$$

хатолик функционали билан қаралган.

Бу ерда $C[\beta]$, $\beta = \overline{0,N}$ ва A_n, $n=\overline{1,s}$ лар (14) формуланинг коэффициентлари, $1 \le s \le [m/2]$, $h=1/N$, $N-$ натурал сон, $\varepsilon_{[0,1]}(x)-$ $[0,1]$ кесманинг характеристик функцияси, $\delta -$Диракнинг дельта -функцияси.

(14) формуланинг хатолиги

$$(\ell_N^{2s-1}, \varphi) \;=\; \int_{-\infty}^{\infty} \ell(x)\varphi(x)dx =$$

$$=\int_0^1 \varphi(x)dx-\sum_{\beta=0}^{N} C[\beta]\varphi[\beta]-\sum_{n=1}^{s} A_n\left(\varphi^{(2n-1)}(0)-\varphi^{(2n-1)}(1)\right).$$

(15) хатолик функционали, квадратур формулаларнинг $(m-1)-$ даражали кўпҳадларига аниқлигини билдирувчи, қуйидаги ортогоналлик шартини қаноатлантиради

$$(\ell_N^{2s-1}, x^{\alpha})=0, \quad \alpha=0,1,2,...,m-1. \tag{16}$$

Бу ердан кўриниб турибдики, (14) кўринишдаги квадратур формулалар мавжуд бўлиши учун $N+s\geq m-1$ тенгсизлик бажарилиши керак.

Қаралаётган ҳолда (15) хатолик функционалининг нормаси $C[\beta]$ ва A_n коэффициентларга боғлиқ. Бу бобда биз ушбу нормани $C[\beta]$ ва A_n коэффициенлар бўйича минимумини топиш масаласини ўрганамиз, яъни биз қуйидаги катталикни топамиз

$$\left\| \overset{\circ}{\ell}{}_N^{2s-1} \mid L_2^{(m)*} \right\| = \inf_{C[\beta],A_n} \left\| \ell_N^{2s-1} \mid L_2^{(m)*} \right\|. \tag{17}$$

Шундай қилиб, биз (14) кўринишдаги Сард маъносидаги оптимал квадратур формулалар қуриш учун қуйидаги масалани ечамиз.

Масала 2. (17)- тенгликни қаноатлантирувчи $C[\beta]$ ва A_n коэффициентларни топинг, ҳамда $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (14)- оптимал квадратур формуланинг (15) хатолик функционали нормасининг квадратини ҳисобланг.

Бу бобнинг 2.2 параграфида ℓ_N^{2s-1} хатолик функционалига мос келувчи экстремал функция аниқланган ва (15) хатолик функционали нормасининг ифодаси ҳисобланган. Параграф 2.3 да $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (14) кўринишдаги оптимал квадратур формуланинг коэффициентлари учун чизиқли алгебраик тенгламалар системаси олинган. Қолган параграфлар $\left\|\ell_N^{2s-1}\right\|^2$ нормани $C[\beta]$ ва A_n коэффициентларга нисбатан минималлаштиришга бағишланган. Бобнинг охирида (14) кўринишдаги оптимал квадратур формуланинг коэффициентлари учун ошкор формулалар топилган. Ҳамда (14) оптимал квадратур формуланинг (15) хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган ва бу оптимал квадратур формуланинг яқинлашиш тартиби $O(h^m)$ га тенглиги кўрсатилган.

Ундан ташқари, олинган назарий натижаларни тасдиқловчи сонли натижалар намйиш қилинган.

Иккинчи бобнинг асосий натижаларини келтирамиз.

(16) шартни бажарувчи (17) тенгликни қаноатлантирувчи $C[\beta]$ ва A_n оптимал коэффициентлар учун қуйидаги система олинган

$$\sum_{\gamma=0}^{N} C[\gamma]\frac{\left|h\beta-h\gamma\right|^{2m-1}}{2(2m-1)!}-\sum_{k=1}^{s} A_k\frac{((h\beta)^{2m-2k}+(1-h\beta)^{2m-2k})}{2(2m-2k)!}+$$

$$+\sum_{\alpha=0}^{m-1}\lambda_\alpha (h\beta)^\alpha = f_m(h\beta),\ \beta=\overline{0,N}, \tag{18}$$

$$\sum_{\beta=0}^{N} C[\beta]\frac{((h\beta)^{2m-2k}+(1-h\beta)^{2m-2k})}{2(2m-2k)!}-\sum_{n=1}^{s}\frac{A_n}{(2m-2n-2k+1)!}+$$

$$+\sum_{\alpha=2k}^{m-1}\alpha(\alpha-1)...(\alpha-2k+2)\cdot\lambda_\alpha=\frac{1}{(2m-2k+1)!},\ k=\overline{1,s}, \tag{19}$$

$$\sum_{\beta=0}^{N} C[\beta](h\beta)^\alpha=\frac{1}{\alpha+1}+\sum_{n=1}^{s}A_n\frac{\alpha!\cdot\theta(\alpha-2n+1)}{(\alpha-2n+1)!},\ \alpha=\overline{0,m-1}, \tag{20}$$

бу ерда $f_m(h\beta)=\int_0^1\frac{|x-h\beta|^{2m-1}}{2(2m-1)!}dx$ ва $\theta(\alpha-2n+1)=\begin{cases}1, & \alpha-2n+1\ge 0,\\ 0, & \alpha-2n+1<0.\end{cases}$

(18)- (20)- системанинг ечими бўладиган оптимал коэффициентлар учун қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 5. $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (15) хатолик функционалли (14) кўринишдаги квадратур формулалар орасида $1\le s\le[m/2]$ да коэффициентлари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланган ягона оптимал квадратур формула мавжуд

$$\overset{\circ}{C}[0]=h\left(\frac{1}{2}+\sum_{k=1}^{m-1}d_k\frac{q_k^N-q_k}{1-q_k}\right), \tag{21}$$

$$\overset{\circ}{C}[\beta]=h\left(1+\sum_{k=1}^{m-1}d_k(q_k^\beta+q_k^{N-\beta})\right),\ \beta=\overline{1,N-1}, \tag{22}$$

$$\overset{\circ}{C}[N]=h\left(\frac{1}{2}+\sum_{k=1}^{m-1}d_k\frac{q_k^N-q_k}{1-q_k}\right), \tag{23}$$

$$\overset{\circ}{A}_n=\frac{h^{2n}B_{2n}}{(2n)!}-\frac{h^{2n}}{(2n-1)!}\sum_{k=1}^{m-1}\sum_{i=1}^{2n-1}d_k\frac{q_k+q_k^{N+i}(-1)^{i+1}}{(q_k-1)^{i+1}}\Delta^i 0^{2n-1},\qquad n=\overline{1,s}, \tag{24}$$

бу ерда d_k - $(m-1)$ та чизиқли тенгламалар системасини қаноатлантиради

$$\sum_{k=1}^{m-1}\sum_{i=0}^{j}d_k\frac{q_k+q_k^{N+i}(-1)^{i+1}}{(q_k-1)^{i+1}}\Delta^i 0^j=\frac{B_{j+1}}{j+1},\ j=\overline{2s,m-1}, \tag{25}$$

$$\sum_{k=1}^{m-1}\sum_{i=0}^{2m-2j}d_k\frac{q_k+q_k^{N+i}(-1)^{i+1}}{(q_k-1)^{i+1}}\Delta^i 0^{2m-2j}=0,\quad j=\overline{1,s}, \tag{26}$$

$$\sum_{k=1}^{m-1}\sum_{i=0}^{2j}d_k\frac{q_k+q_k^{N+i}(-1)^{i+1}}{(q_k-1)^{i+1}}\Delta^i 0^{2j}=0,\quad j=\overline{1,s-1}. \tag{27}$$

B_α –Бернулли сонлари, $\Delta^i\gamma^j$ бу γ^j дан i тартибли чекли айирма, $\Delta^i 0^j=\sum_{l=1}^{i}(-1)^{i-l}C_i^l l^j$, q_k лар $(2m-2)-$ даражали Эйлер- Фробениус кўпҳадининг илдизлари ва $|q_k|<1$.

Теорема 6. $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида $1 \le s \le [\frac{m}{2}]$ бўлганда (14) кўринишдаги оптимал квадратур формуланинг (15) хатолик функционали нормасининг квадрати учун қуйидаги тенглик ўринли

$$\left\| \overset{\circ}{\ell}{}_N^{2s-1} \middle| L_2^{(m)*} \right\|^2 = (-1)^{m+1}\left[\frac{B_{2m}h^{2m}}{(2m)!} - \frac{2h^{2m+1}}{(2m)!}\sum_{k=1}^{m-1} d_k \sum_{i=0}^{2m} \frac{q_k + q_k^{N+i}(-1)^{i+1}}{(q_k-1)^{i+1}}\Delta^i 0^{2m} \right],$$

Бу ерда d_k – (25)-(27) системадан аниқланади, B_{2m} – Бернулли сонлари, $\Delta^i 0^{2m} = \sum_{l=1}^{i}(-1)^{i-l}C_i^l l^{2m}$, q_k- $(2m-2)$– даражали Эйлер- Фробениус кўпҳадининг илдизлари ва $|q_k| < 1$.

Хусусан, $s = [m/2]$ ҳолда, (25)- (27) системадан

$$d_k = 0,\ k = \overline{1, m-1}$$

тенгликларни оламиз.

У ҳолда охирги тенгликларни ҳисобга олиб (25)-(27) ифодаларда ва теорема 5 дан классик Эйлер-Маклорен квадратур формулаларнинг оптималлигини оламиз.

Диссертациянинг **«Соболевнинг $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида Эрмит типидаги оптимал интерполяцион формулалар»** номланувчи учинчи бобида Соболевнинг $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида Эрмит типидаги оптимал интерполяцион формула қуриш масаласи қаралган. 3.1-3.5 параграфларда функцияни тугун нуқталардаги қийматлари чизиқли комбинацияси ва бу функция ҳосиласининг [0,1] кесма чегараларидаги қийматларидан иборат оптимал интерполяцион формулалар қуриш масаласи ўрганилган. 3.6 параграфда функциянинг тугун нуқталардаги қийматлари чизиқли комбинацияси ва бу функциянинг $(2s-1)$- тартиблигача ҳосилаларини интерполяциялаш оралиғи чегарасидаги қийматларидан ташкил топган оптимал интерполяцион формулалар қуришга боғишланган.

3.1-3.5 параграфларда $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида $m \ge 2$ бўлганда φ функция бошқа оддий P_φ функция орқали яқинлаштириш қуйидаги кўринишда қаралган

$$\varphi(z) \cong P_\varphi(z) = \sum_{\beta=0}^{N} C_\beta(z)\varphi(h\beta) + A(z)\varphi'(0) + B(z)\varphi'(1), \tag{28}$$

бу ерда $C_\beta(z)$, $\beta = 0,1,...,N$, $A(z)$ ва $B(z)$ коэффициентлар. Бунда φ функциянинг $\varphi(h\beta)$, $\beta = 0,1,...,N$ жадвал қийматлари ҳамда $\varphi'(0)$ ва $\varphi'(1)$ лар берилган бўлсин деб фараз қиламиз.

Коши-Шварц тенгсизлигига асосан (28) интерполяцион формула хатолиги

$$(\ell_N^1, \varphi) = \varphi(z) - P_\varphi(z)$$

нинг абсолют қийматини қуйидагича баҳоланади

$$|(\ell_N^1,\varphi)|\le \|\varphi|L_2^{(m)}\|\cdot\|\ell_N^1|L_2^{(m)*}\|,$$

бу ерда

$$\ell_N^1(x,z)=\delta\left(x-z\right)-\sum_{\beta=0}^{N}C_\beta(z)\delta(x-h\beta)+A(z)\delta'(x)+B(z)\delta'(x-1) \qquad (29)$$

(28) интерполяцион формуланинг хатолик функционали.

Маълумки, ℓ_N^1 хатолик функционалининг нормаси $C_\beta(z),\beta=0,1,...,N$, $A(z)$ ва $B(z)$ коэффициентларга боғлиқ. Биз $\|\ell_N^1\|$ катталикни $C_\beta(z),\ \beta=0,1,...,N,\ \ A(z)$ ва $B(z)$ коэффициентлар бўйича минимумини топиш масаласини қараймиз. Бунда

$$\left\|\overset{\circ}{\ell}{}_N^1|L_2^{(m)*}\right\|=\inf_{C_\beta(z),A(z),B(z)}\left\|\ell_N^1|L_2^{(m)*}\right\| \qquad (30)$$

тенгликни қаноатлантирувчи $\overset{\circ}{C}_\beta(z),\beta=0,1,...,N,\ \overset{\circ}{A}(z)$ ва $\overset{\circ}{B}(z)$ (агар мавжуд бўлса) коэффициентлар *оптимал коэффициентлар* дейилади, унга мос келувчи $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (28) кўриишдаги

$$\overset{\circ}{P}_\varphi(z)=\sum_{\beta=0}^{N}\overset{\circ}{C}_\beta(z)\varphi(h\beta)+\overset{\circ}{A}(z)\varphi'(0)+\ \overset{\circ}{B}(z)\varphi'(1)$$

формулага оптимал интерполяцион формула дейилади.

$L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида (28) кўринишдаги оптимал интерполяцион формула қуриш учун биз қуйидаги масалага эга бўламиз.

Масала 3. (30) тенгликни қаноатлантирувчи $\overset{\circ}{C}_\beta(z),\beta=0,1,...,N,\ \ \overset{\circ}{A}(z)$ ва $\overset{\circ}{B}(z)$ коэффициентларни топиш.

Шуни эслатамизки, биринчи бўлиб С.Л. Соболев $W_2^{(m)}$ фазосида $P_\varphi(z)=\sum_{\beta=0}^{N}C_\beta\varphi(h\beta)$ кўринишидаги интерполяцион формуланинг экстремал функциясини топиш масаласини қўйган ва уни ечган. Ҳосилали интерполяцион формулалар ва классик Эйлер-Маклорен квадратур формулалар орасидаги боғлиқлик Шёнбергнинг ишларида ўрганилган.

3.2-3.3 параграфларда интерполяцион формуланинг экстремал функциясидан фойдаланиб (29) хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган. (29) хатолик функционалининг нормасини $\left(\ell,x^\alpha\right)=0,$ $\alpha=0,1,2,...,m-1$, шартлар асосида минимумини топишда алгебраик тенгламалар системаси олинган.

3.4 параграфда $m=2$ ва $m=3$ бўлганда, олинган системани ечиб (28) оптимал интерполяцион формуланинг $\overset{\circ}{C}_\beta(z),\ \ \beta=0,1,...,N,\ \ \overset{\circ}{A}(z)$ ва $\overset{\circ}{B}(z)$ коэффициентлари учун ошкор формулалар олинган.

Қуйидаги теоремалар исботланган

Теорема 7. $L_2^{(2)}(0,1)$ фазода (28) оптимал интерполяцион формуланинг $\overset{\circ}{C}_\beta(z)$, $\beta=0,1,...,N$, $\overset{\circ}{A}(z)$ ва $\overset{\circ}{B}(z)$ коэффициентлари мос равишда қуйидаги формулалар билан ифодаланади

